

Лот №165886
22-282/22-234-сонли ШАРТНОМАСИ
(Босма-матбаа маҳсулотини тайёрлаб бериш тўғрисида)

“7” ноябр 2022 йил

Тошкент шаҳри

"O'zbekiston" нашриёт-матбаа ижодий уйи МЧЖ, бундан буён матнда "Бажарувчи" деб номланувчи, 2022 йил 24 июндаги Ишончнома асосида иш юритувчи, Директорнинг биринчи ўринбосари Б. Камбаров, бир тарафдан ва "Давлат тест маркази" бундан буён матнда "Буюртмачи", Низом асосида иш юритувчи дир. ўр. Роджадоб С.б., иккинчи тарафдан, алоҳида "Тараф" ва биргалиқда "Тарафлар" деб юритилувчилар, Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 631-655-моддалари талабларига риоя қилиб мазкур шартномани куйидаги мазмунда туздик:

I. Шартнома предмети

1.1. "Бажарувчи" "Буюртмачи"нинг буюртмаси асосида мазкур шартноманинг 2.1. бандида кўрсатилган маҳсулотларни шартноманинг шартларига мувофиқ тайёрлаб бериш мажбуриятини олдади, "Буюртмачи" эса етказиб берилган маҳсулотлар учун шартноманинг шартларига мувофиқ ҳақ тўлаш мажбуриятини олади.

II. Маҳсулот тури, миқдори ва нархи

2.1 Маҳсулотнинг номи миқдори ва нархи жадвалда қайд этилиб шартноманинг ажралмас қисми ҳисобланади.

Буюртма рақами	Буюртма номи	Ўлчов бирлиги	Тиражи	Қоғоз тури	Ранги	КҚС нархи (сўм)	Жами суммаси (сўм, КҚС билан)
22-384	Бланк "Жавоблар варакаси" (210x297 мм)	дона	50 000	120 гр офсет	2+0	317,40	15 870 000,00
22-385	Бланк "Жавоблар варакаси" (210x297 мм)	дона	120 000	120 гр офсет	2+2	308,20	36 984 000,00
22-385	Бланк "Жавоблар варакаси" (210x297 мм)	дона	10 000	120 гр офсет	2+0	532,45	5 324 500,00
							58 178 500,00

Жами: 58 178 500,00 (Эллик саккиз миллион бир юз етмиши саккиз минг беш юз сўм 00 тийин, КҚС билан).

III. Тўлов шартлари

- 3.1. Тўлов пул ўтказиш йўли билан амалга оширилади.
- 3.2. "Буюртмачи" шартнома кучга кирган вақтдан бошлаб 5 (беш) кун ичida "Бажарувчи"нинг банк ҳисоб рақамига шартнома суммасининг 30% (ўттиз) фоизни олдиндан тўлаб бериши, қолган **70 %** ни маҳсулот қабул қилиб олинган кундан бошлаб ҳисоб-фактура асосида **15** кун ичida тўлаб бериши лозим.
- 3.3. Олдиндан тўлов 3.1. бандда белгиланган муддатда амалга оширилмаган тақдирда, буюртмани бажариш тўлов кечикирилган муддатга узайтирилади.
- 3.4. Олдиндан тўловни амалга ошириш муддати 10 кунгача узайтирилиши мумкин. Ушбу муддатга ҳам амал қилинмаган тақдирда мазкур шартнома бир тарафлама бекор қилинади.
- 3.5. Буюртманинг ҳажми, қоғоз тури, тиражи, хом ашё нархи ва маҳсулот қийматига таъсир қилувчи бошқа ҳолатлар ўзгарган тақдирда шартнома баҳоси қайта кўриб чиқилади.

IV. Тарафларнинг хукуқ ва мажбуриятлари

- 4.1 "Буюртмачи" нинг хукуклари:
 - "Бажарувчи" нинг фаолиятига аралашмаган ҳолда исталган вақтда ишнинг боришини ва сифатини текшириш;

- “Бажарувчи” шартномани бажаришга ўз вақтида киришмаса ёки ишни суст бажариши натижасида уни белгиланган муддатда тугатиш мумкин эмаслиги аниқ бўлиб қолса, “Буюртмачи” шартномадан воз кечиб, етказилган заарни қоплашни талаб қилиш;
- Маҳсулотни тайёрлаш вақтида унинг тегишли даражада бажарилмаслиги аниқ бўлиб қолса, “Буюртмачи” “Бажарувчи” га камчиликларни йўқотиш учун оқилона муддат белгилаш;
- Маҳсулотни қабул қилишнинг оддий усулида аниқланиши мумкин бўлмаган камчиликлар (яширин камчиликлар) ни аниқласа, улар аниқланганидан сўнг ўн кунлик муддат ичида бу тўғрида “Бажарувчи” га хабар қилиш.

4.2. “Буюртмачи” нинг мажбуриятлари:

- Шартнома шартларини лозим даражада ва тўлиқ бажариш;
- “Бажарувчи” нинг ишлаб чиқариш жараёнига аралашмаслик;
- Шартномада назарда тутилган муддатда ва тартибда “Бажарувчи” иштирокида тайёр маҳсулотни кўриб чиқиши ва қабул қилиши;
- Тайёр маҳсулотни ўз ҳисобидан ва ўз транспортида “Бажарувчи” нинг омборидан олиб кетиши.

4.3. “Бажарувчи” нинг хуқуқлари:

- “Буюртмачи” дан тўловни амалга оширишини талаб қилиш;
- Шартномани белгиланган муддатидан олдин бажариш;
- Шартноманинг 3.4. бандига мувофиқ шартномани бажаришдан бир томонлама бош тортиш.

4.4. “Бажарувчи” нинг мажбуриятлари:

- Шартнома шартларини лозим даражада ва тўлиқ бажариш;
- “Буюртмачи” нинг талабига кўра пудрат ишларининг бориши ҳақида оғзаки равища маълум қилиб туриш;
- “Буюртмачи” томонидан тайёр маҳсулотни қабул қилиши учун шарт-шароитларни яратиб бериш.

V.Шартномани бажариш жараёни

5.1. Шартнома шартларига мувофиқ равища тўлов амалга оширилганидан сўнг "Буюртмачи" маҳсулотни намуна нусхасини 2 кун ичида имзолаши билан ишлаб чиқариш жараёни бошланишига ўз розилигини бериши шарт. Мазкур муддатларга риоя қилинмаган тақдирда маҳсулотни тайёрлаб бериш муддати кечиккан кунларга мутаносиб равища узайтирилади ёки камайтирилади.

5.2. “Бажарувчи” маҳсулотнинг намуна нусхаси имзоланган санадан бошлаб 5 календарь кун ичида 2.1 бандда кўрсатилган босма-матбаа маҳсулотини тайёрлаб беради.

5.3. Маҳсулот тайёр бўлганлиги ҳақида “Бажарувчи” “Буюртмачи” га ёки унинг вакилига факс, электрон почта, телефон алоқаси орқали хабар беради.

5.4. Маҳсулот тайёр бўлганлиги ҳақида “Буюртмачи” хабар олган санадан бошлаб “Буюртмачи” маҳсулотни 5 иш кун ичида белгиланган тартибда қабул қилиб олиши ва ўз транспортида олиб чиқиб кетиши лозим.

5.5. Тайёр маҳсулотлар “Бажарувчи” нинг омборидан ҳисоб-фактурага имзо кўйиб, ишончномани ва паспортни тақдим этиб, шартнома нусхасини кўрсатган ҳолда қабул қилиб олинади.

5.6. Маҳсулотни қабул қилишда “Буюртмачи” вакили томонидан тасдиқланган намуна солиширилади. Агар маҳсулот билан намунада тафоввут бўлмаса, маҳсулотнинг сифатига нисбатан рекламация (шикоят) лар қабул қилинмайди.

VI. Тарафларнинг мулкий жавобгарлиги

6.1. Мазкур шартнома бўйича Таравлар зиммаларига олинган мажбуриятларни ўз вақтида ва тегишли тартибда бажаришлари шарт. Шартнома тарафлари қонун хужжатларида ва шартномада назарда тутилган бошқа мажбуриятларга ҳам эга бўладилар. Мазкур шартномада кўрсатилган мажбуриятлар бажарилмаган тақдирда шартнома шартларини бузган тараф етказилган заарни қоплайди.

6.2. Таравларнинг жавобгарлиги Ўзбекистон Республикасининг “Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-хуқуқий базаси тўғрисида”ги қонун талабларига мувофиқ ҳал этилади.

6.3. “Буюртмачи” шартноманинг 5.4. бандида кўрсатилган муддатга риоя қилмаган тақдирда, маҳсулот баҳосининг 5 фоизи миқдорида жарима тўлайди.

6.4. Барча эътиrozлар ва келишмовчиликлар музокаралар йўли билан ҳал қилинади. Таравлар ўртасида келишувга эришилмаган тақдирда низо Тошкент шаҳар Хўжалик судида ҳал қилинади.

VII. Форс-мажор

7.1. Агар шартнома бўйича мажбуриятларни бажармаслик енгиб бўлмас куч оқибатида, шартнома тузилгандан сўнг юзага келган фавқулодда ходисалар натижасида (*сув тошқини, ер қимирлаши ва ҳ.*) вужудга келган бўлса, тарафлар шартнома бўйича мажбуриятлари қисман ёки тўлиқ бажарилмагани учун жавобгарликдан озод этиладилар.

VIII. Бошқа шартлар

- 8.1. Шартномага ўзгартириш ва қўшимчалар иккала тарафнинг ёзма келишувига мувофиқ киритилиши мумкин.
- 8.2. Шартномани бажаришдан бир тарафлама бош тортишга ёки шартнома шартларини бир тарафлама ўзгартиришга йўл қўйилмайди. Шартноманинг 3.4. банди бундан мустасно.
- 8.3. Шартнома тарафлар имзолаган кундан кучга киради ва 2022 йил «31» декабргача амал қиласди. Шартноманинг амал қилиш муддати тугаши тарафларни шартномавий мажбуриятларни бажаришдан озод этмайди.
- 8.4. Мазкур шартнома икки нусхада тузилиб, ҳар иккиси ҳам бир хил юридик кучга эга.
- 8.5. Агар маҳсулот “Буюртмачи”нинг хом ашёсидан тайёрланган бўлса, у ҳолда “Буюртмачи” маҳсулотни юк хатида кўрсатиши керак.

IX. Коррупцияга қарши курашиш шарти.

Томонлар шуни маълум қиласди:

- 9.1. Томонлар, уларнинг боғланган (ўзаро боғлик) шахслари ва ходимлари ушбу Битим бўйича ўз мажбуриятларини бажариш жараёнида Ўзбекистон Республикасининг коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги амалдаги қонун ҳужжатларининг бузилишга олиб келадиган ва ёки коррупцион характерга эга бўлган, шу жумладан (чекланмаган ҳолда), пора бериш ёки пора ваъда қилиш, пора бериб сотиб олиш, товламачилик, порани тўғридан-тўғри ёки билвосита қабул қилиш харакат ёки ҳаракатсизлигига йўл қўймадилар.
- 9.2. Томонлар, улар билан боғлиқ (ўзаро боғлик) шахслар ва ходимлар бошқа Томоннинг ходимларини ёки ваколатли вакилларини ҳар қандай усуlda, шу жумладан, пул маблағлари, совғалар бериш, уларга бепул хизматлар кўрсатиш ёки ушбу ходимни ёки ваколатли вакилини таъминлашга қаратилган ишларни бажариш орқали рағбатлантирувчи Томоннинг манфаатини ҳар қандай тарзда рағбатлантиришдан бош тортадилар.
- 9.3. Агар Томонлардан бири ушбу бўлим қоидаларининг бузилиши содир бўлганини ва содир бўлиши мумкин деб гумон қиласа, тегишли Томон бошқа Томонни бу ҳақда хабардор қилиш мажбуриятини олади, агар Ўзбекистон Республикасининг коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги қонунчилиги нормалари бузилганлиги тўғрисида рад этиб бўлмайдиган далиллар мавжуд бўлса, амалдаги қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ваколатли органларни хабардор қилиш мажбуриятини олади.

Томонларнинг юридик манзиллари ва банк реквизитлари

Буюртмачи



Бажарувчи



Директорнинг
биринчи ўринbosari

Б.Камбаров

Юридик бюро:



Протокол закупочной комиссии по отбору наилучшего предложения лот № 165886 на приобретение Услуги по бланкопечатанию чет тили учун 2

Способ проведения электронный

Дата 02.11.2022

Время рассмотрения 31.10.2022 09:27

Закупочная комиссия Государственный центр тестирования при Кабинете Министров Республики Узбекистан, (Далее – Комиссия) в составе:

Председатель комиссии	Батиров Шерзод Негмуратович	Заместитель директора	Государственный центр тестирования при КМ РУз
Секретарь комиссии	Madrahimova Guljahon Ro'zimboy qizi	Юрист	Давлат тест маркази
Член комиссии	TALIPOVA SAYYORA KAMILOVNA	главный бухгалтер	Государственный центр тестирования при КМ РУз
Член комиссии	OCHILOV NIZOMIDDIN NAJMIDDIN O'G'LI	Начальник отдела	Государственный центр тестирования при КМ РУз
Член комиссии	ABDINAZAROV ULUGBEK MUYASSAROVICH	Ишлар бошкармаси бошлиги	Давлат тест маркази
Член комиссии	SHARIPOV BEHZOD BASHIRULLAYEVICH	Начальник управления	Государственный центр тестирования при КМ РУз
Член комиссии	RADJABOV SARDOR BAXTIYOROVICH	Заместитель директора	Государственный центр тестирования при КМ РУз
Член комиссии	NURMATOV JAVLONBEK ABDUNABIYEVICH	Начальник управления	Государственный центр тестирования при КМ РУз

Рассмотрев поступивших предложений со стороны участников по опубликованному объявлению на специальном информационном портале от 02.11.2022 года № лота 165886.

Метод оценки предложений – Бальный метод (Весовой коэф.технико-квалификационной части: 70.00 / Весовой коэф. ценовой части: 30.00)

Мин. балл: 0

Предмет закупки:

Наименование товара (работы, услуги)	Услуги по бланкопечатанию
Подробное описание	бланка маҳсулоти – ранги 2+0, 120 гр/м2 оффсет қоғозда бир тарафлама атади 50000 дона – Бланка ўлчами (A4) 210x297 мм – 120 гр. оффсет қоғоз – Чоп этиш усули текис-оффсет – Маҳсулотни тайёрлаб етказиш муддати 3 кун буюртмачи томонидан асл нусҳа тасдиқлангандан сўнг уч иш куни
Количество товара	50 000.00
Единица измерения	
Цена товара (услуги) за единицу	350.00
Стартовая сумма	17 500 000.00

Валюта	UZS
--------	-----

Наименование товара (работы, услуги)	Услуги по бланкопечатанию
Подробное описание	бланка маҳсулоти – ранги 2+2, 120 гр/м ² офсет қоғозда икки тарафлама адади 120000 дона – Бланка ўлчами (A4) 210x297 мм – 120 гр. офсет қоғоз – Чоп этиш усули текис-офсет – Маҳсулотни тайёрлаб етказиш муддати 3 кун буюртмачи томонидан асл нусха тасдиқлангандан сўнг уч иш куни
Количество товара	120 000.00
Единица измерения	
Цена товара (услуги) за единицу	330.00
Стартовая сумма	39 600 000.00
Валюта	UZS

Наименование товара (работы, услуги)	Услуги по бланкопечатанию
Подробное описание	бланка маҳсулоти – ранги 2+0, 120 гр/м ² офсет қоғозда бир тарафлама адади 10000 дона – Бланка ўлчами (A4) 210x297 мм – 120 гр. офсет қоғоз – Чоп этиш усули текис-офсет – Маҳсулотни тайёрлаб етказиш муддати 3 кун буюртмачи томонидан асл нусха тасдиқлангандан сўнг уч иш куни
Количество товара	10 000.00
Единица измерения	
Цена товара (услуги) за единицу	550.00
Стартовая сумма	5 500 000.00
Валюта	UZS

По итогам рассмотрения поступивших предложений по технической части участникам присвоены следующие баллы:

Критерий №1 матбаа ишлаб чиқариш фаолиятини олиб бориш учун қонунда белгиланган лицензия ва сертификатга эга бўлиши; – Марказий банк томонидан ҳисоби қатъий юритиладиган ва қалбакилаштиришдан маҳсус ҳимояга эга бланк маҳсулотларини тайёрлаш учун лицензияга эга бўлиши;

Тип: Текстовое значение

Описание: матбаа ишлаб чиқариш фаолиятини олиб бориш учун қонунда белгиланган лицензия ва сертификатга эга бўлиши; – Марказий банк томонидан ҳисоби қатъий юритиладиган ва қалбакилаштиришдан маҳсус ҳимояга эга бланк маҳсулотларини тайёрлаш учун лицензияга эга бўлиши;

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
O'ZBEKISTON NASHRIYOT-MATVAASI IJODIY UYI MCHJ	10	матбаа ишлаб чиқариш фаолиятини олиб бориш учун қонунда белгиланган лицензия ва сертификатга эга бўлиши; – Марказий банк томонидан ҳисоби қатъий юритиладиган	10	Экспертная		

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
		ва қалбакилаштиришдан максус ҳимояга эга бланк маҳсулотларини тайёрлаш учун лицензияга эга бўлиши;				
ООО "CREDO PRINT GROUP"	10	гувохнома ва лицензия	7	Экспертная		

Критерий №2 бланкани кесиш жараёнида кўрсатилган маркерлардан ва қирқиши белгисидан четга чиқмасдан юқори аниқликда кесиши; – қабул қилинган бланкаларда қирқич чизигидан кесишда хатолик аниқланса, ранги, туси, ўлчами, элементлар координатаси буюрмачи томонидан тасдиқланган асл нусхадан ёки электрон файлдан фарқ қиласа, шунингдек жавоблар варақасига принтерларда чоп этиш жараёнида қофоз принтер узелларида харакатланишда муаммо туғилса ушбу бланкаларни 2 иш кунида янгисига алмаштириб берилишини таъминлаши ва мазкур ҳолат билан боғлиқ барча моддий харажатларни ўз зиммасига олиши;

Тип: Текстовое значение

Описание: бланкани кесиш жараёнида кўрсатилган маркерлардан ва қирқиши белгисидан четга чиқмасдан юқори аниқликда кесиши; – қабул қилинган бланкаларда қирқич чизигидан кесишда хатолик аниқланса, ранги, туси, ўлчами, элементлар координатаси буюрмачи томонидан тасдиқланган асл нусхадан ёки электрон файлдан фарқ қиласа, шунингдек жавоблар варақасига принтерларда чоп этиш жараёнида қофоз принтер узелларида харакатланишда муаммо туғилса ушбу бланкаларни 2 иш кунида янгисига алмаштириб берилишини таъминлаши ва мазкур ҳолат билан боғлиқ барча моддий харажатларни ўз зиммасига олиши;

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
O'ZBEKISTON NASHRIYOT-MATBAA IJODIY UYI MCHJ	10	бланкани кесиш жараёнида кўрсатилган маркерлардан ва қирқиши белгисидан четга чиқмасдан юқори аниқликда кесиши; – қабул қилинган бланкаларда қирқич чизигидан кесишда хатолик аниқланса, ранги, туси, ўлчами, элементлар координатаси буюрмачи томонидан тасдиқланган асл нусхадан ёки электрон файлдан фарқ қиласа, шунингдек жавоблар варақасига принтерларда чоп этиш жараёнида қофоз принтер узелларида харакатланишда муаммо туғилса ушбу бланкаларни 2 иш кунида янгисига алмаштириб берилишини таъминлаши ва мазкур ҳолат билан боғлиқ барча моддий харажатларни ўз	10	Экспертная		

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
		зиммасига олиши;				
ООО "CREDO PRINT GROUP"	10	баланс	8	Экспертная		

Критерий №3 босма қолип чиқариш, чоп этиш, кесиш жараёнларини бажариш учун зарур бўлган замонавий ускуналарга эга бўлиши ва ишлаб чиқаришнинг тўлиқ циклини ўз техник базасида бажариши; – танланган қофоз принтерларда чоп этиш учун мос келиши ва ўта силлиқ бўлмаслиги керак ҳамда буюртмачи томонидан тасдиқланиши лозим; – чоп этилган бланкада буюртмачи тайёрлаган электрон шаклдаги ҳар бир элемент координатаси, ҳажми ва ўлчами ўзгармаслиги учун барча чораларни кўриши;

Тип: Текстовое значение

Описание: босма қолип чиқариш, чоп этиш, кесиш жараёнларини бажариш учун зарур бўлган замонавий ускуналарга эга бўлиши ва ишлаб чиқаришнинг тўлиқ циклини ўз техник базасида бажариши; – танланган қофоз принтерларда чоп этиш учун мос келиши ва ўта силлиқ бўлмаслиги керак ҳамда буюртмачи томонидан тасдиқланиши лозим; – чоп этилган бланкада буюртмачи тайёрлаган электрон шаклдаги ҳар бир элемент координатаси, ҳажми ва ўлчами ўзгармаслиги учун барча чораларни кўриши;

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
O'ZBEKISTON NASHRIYOT-MATVAASI IJODIY UYI MCHJ	10	босма қолип чиқариш, чоп этиш, кесиш жараёнларини бажариш учун зарур бўлган замонавий ускуналарга эга бўлиши ва ишлаб чиқаришнинг тўлиқ циклини ўз техник базасида бажариши; – танланган қофоз принтерларда чоп этиш учун мос келиши ва ўта силлиқ бўлмаслиги керак ҳамда буюртмачи томонидан тасдиқланиши лозим; – чоп этилган бланкада буюртмачи тайёрлаган электрон шаклдаги ҳар бир элемент координатаси, ҳажми ва ўлчами ўзгармаслиги учун барча чораларни кўриши;	10	Экспертная		
ООО "CREDO PRINT GROUP"	10	кадастр	7	Экспертная		

Оценка участников финансовой части составила:

Наименование участника	Стартовая сумма	Предлагаемая сумма	Сумма с учетом конвертации (UZS)	Применение преференции	Общее значение (UZS)	Дата предложения	Оценка стоимости (балл)

O'ZBEKISTON NASHRIYOT-MATBAA IJODIY UYI MCHJ	62 600 000.00	58 178 500.00 UZS	58 178 500.00	00.00	58 178 500.00	25.10.2022 13:10:49	30
ООО "CREDO PRINT GROUP"	62 600 000.00	62 420 000.00 UZS	62 420 000.00	00.00	62 420 000.00	26.10.2022 16:56:47	27.96147

Итоговая оценка участников включая финансовой части составила:

Наименование участника	Общий балл по технической части	Общий балл по финансовой части	Итоговый балл
O'ZBEKISTON NASHRIYOT-MATBAA IJODIY UYI MCHJ	70	30	100
ООО "CREDO PRINT GROUP"	51.3331	27.96147	79.29457

Закупочная комиссия по отбору наилучшего предложения лот № 165886 от 02.11.2022 года на приобретение Услуги по бланкопечатанию чет тили учун 2 определила победителем:

O'ZBEKISTON NASHRIYOT-MATBAA IJODIY UYI MCHJ
205188294

и резервный исполнитель: ООО "CREDO PRINT GROUP" (204695568)

Проголосовали

Комиссия	Ф.И.О.	Голосование	Комментарии
Председатель комиссии	Батиров Шерзод Негмуратович	Согласен	
Член комиссии	TALIPOVA SAYYORA KAMILOVNA	Согласен	
Член комиссии	OCHILOV NIZOMIDDIN NAJMIDDIN O'G'LI	Согласен	
Член комиссии	ABDINAZAROV ULUGBEK MUYASSAROVICH	Согласен	
Член комиссии	SHARIPOV BEXZOD BASHIRULLAYEVICH	Согласен	
Член комиссии	NURMATOV JAVLONBEK ABDUNABIYEVICH	Согласен	
Член комиссии	RADJABOV SARDOR BAXTIYOROVICH	Согласен	

Протокол закупочной комиссии подписан посредством ЭЦП